

Бу аввал азоб эди

13:40 / 18.11.2017 2886

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Оиша онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўлат (вабо) ҳақида сўраганларида, у зот: **«Бу аввал азоб эди. Аллоҳ уни хоҳлаган кишиларига юборар эди. Энди уни мўминларга раҳмат қилди. Бирор банда ўлат бор ерда бўлиб қолса ва ўша шаҳарда савоб умидида сабр қилиб, Аллоҳ ёзиб-битиб қўйган мусибатдан бошқа нарса етмаслигини билса, унга шаҳиднинг ажри мислича савоб берилади»**, дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.